

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

БухДТИ ўқув-йишлари бўйича проректори
Г.Ж.Жарилкасинова



БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**«13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)»
ихтисослиги бўйича таянч докторантура (PhD)га кириш синовлари**

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Бухоро 2024

Дастур БухДТИ Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, педагогика, психология кафедрасининг 20__ йил _____ даги № -сон баённомаси билан тасдиқланган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Курбанова Г.Н БухДТИ, Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, педагогика, психология кафедраси мудири, п.ф.д, профессор

Олимов Ш.Ш БухДУ, Педагогика кафедраси мудири, п.ф.д, профессор

ТАРҚРИЗЧИ:

Адизов Б.Р

БухДУ, Малака ошириш маркази директори,
п.ф.д, проф

КИРИШ

Давлатимиз раҳбарининг 2020-йил 29-декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади, -деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз.

Биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва коллеж, техникумлар ҳамда олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадириятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.”

Ҳозирги даврда методика фани педагогик маданиятни ривожлантириш, уларда янгича тафаккурни таркиб топтириш, умумий касб тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган. Методика фанларидан маълумотга эга ҳар бир талабгор, қайси фан мутахассиси бўлиб етишишидан қатъий назар ўқув-тарбиявий фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун зарур бўлган педагогик билимлар ва кўникмаларнинг умумий ҳажмини, умумкасбий ва шахсга йўналтирилган таълим талабларини билишлари лозим. Методика фани талабгорнинг умумпедагогик билим даражасини, педагогик меросимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишини аниқлайди. Таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти, тарбия ва таълим, унинг ривожланиш жараёни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ҳар бир тарихий босқичда илмий билимлар даражаси билан боғлиқлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бунда маориф ва педагогиканинг ижтимоий тараққиёт талабига жавоб берганлиги, илмий тараққиёт бир бутун тарбия назарияси ва амалиёт экани ҳисобга олинган.

Таълим амалиёти, шунингдек, таълимдаги ютуқларнинг муҳимлиги ҳам назарда тутилади. У ёки бу педагогик концепциялар, таълимотларни тавсифлаганда шу таълимотлар ижодкорининг ҳаёти ва фаолиятидаги энг муҳим воқеаларни асос қилиб олиш назарда тутилган.

“Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)” фанининг мақсад ва вазифалари:

- Талабгорларнинг ҳозирги замон методика фанининг назарий асослари билан қуроллантириш;
- педагогик тафаккурни шакллантириш негизини яратиш;
- педагогик фикрлаш .обилиятини таркиб топтириш;
- “Таълимнинг методик қонуниятлари ҳамда тамойиллари”га мос ҳолда тегишли қарорлар қабул қилиш;
- ҳозирги замон таълим (педагогик ва ахборот) технологияларини билиш ҳамда уларни амалиётда .ўллай олишдан иборатдир.

“Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)” фанидан билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

“Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (со.алар бўйича)” ў.ув фанини ўрганиш жараёнида .уйидаги педагогик тушунчаларни билиш ва кўникмаларга эга бўлиш зарур:

- таълим-тарбия ишларини мустақиллик ғояларидан фойдаланилган ҳолда педагогик қонуниятлар ва тамойилларга уйғун ҳолда ўтказиш;
- педагогик фаолиятни режалаштиришда, яқин, ўрта даврни ва истиқболни кўзлаб мақсад, вазифаларни белгилаш;
- амалиётда ўқитиш ҳамда маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосий шаклларини қўллаш;
- амалиётда ўқитиш ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг қулай метод ва воситаларини қўллаш, маълум вазиятларда улардан тўғри фойдалана олиш;
- таълим жараёнини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари шунингдек, Шарқ ва ғарбнинг илғор педагогик тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;
- ўз олдига қўйган вазифаларни тўғри бажарилишини ташкил этиш;
- шахс фаолияти ва хулқини рағбатлантириб бориш;

- педагогик вазиятлар, таълим ва тарбия натижаларини таҳлил эта олиш, жамоани ўрганиш; ўзлаштирмаслик сабабларини, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун самарали тадбирларни белгилаш;

- ўз билимини ошириб бориш, амалиётда педагогика фанидаги ютуқлар, илғор тажрибалардан фойдаланиш, қулай педагогик тадқиқотлар ўтказиш, педагогик фаолиятда юзакичилик ва бир қолипда ишлашга йўл қўймай, ишга ижобий, толерантлик ва импровизация муносабатни намоён этиш;

- гуруҳ раҳбари ва тарбиячи-мураббий вазифаларининг самарадорлигига эришиш, ташқи таълим, ота-оналар, маҳалла, жамоатчилик билан ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш.

Талабгор “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)” фанини ўрганиш давомида замонавий таълим технологияси компьютер, ахборот технологияси, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик мазмундаги амалий, илмий тадқиқот топшириқларини бажара олишини намоён эта олишлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Таълим тў.рисида қонун асосида методика фани ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида.

- Давлат ва жамият-давлат ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширади ҳамда фуқароларнинг ўрта умумий таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим турларини олиш ҳуқуқини кафолатлайди;

- узлуксиз таълим ва унинг фаолият кўрсатиш принциплари таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, ҳар томонлама комил инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш;

- узлуксиз таълим тизими ва турлари; мактабгача таълим, умумий таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим;

- фан-табиат ва жамият тараққиёти ҳақидаги янги фундаментал ва тадқиқий билимларни шакллантириш, юқори малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш соҳаси сифатида;

- ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи

асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Педагоглик касби. Педагоглик касбининг пайдо бўлиши ва равнақ топиши. Шарқ мутафаккирлари (Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Рай.он Беруний, Абу Али Ибн Сино, А.мад Фар.оний, Алишер Навоий ва бошқалар) ва ғарб педагоглари жамиятда педагоглик касбининг тутган ўрни ҳақида. Ўқитувчи-мураббийнинг ўзига хос фазилатлари илмий дунёқараши ва инсонпарварлиги. Унинг ижтимоий-педагогик нуқтаи назари, баркамол авлод тарбияси учун ўқитувчи-мураббийнинг жамият олдидаги масъулияти, унинг касбий билимлари ва кўникмалари. Педагог истеъдоди ва қобилияти. Ўқитувчи-мураббийнинг педагоглик ахлоқ-одоби ва назокати, унинг ўқувчилар, ота-оналар ва ҳамкасблари билан мулоқоти.

1. Методика фан сифатида. Унинг предмети, мақсад ва вазифалари. Педагогик тадқиқот методлари.

Педагогика ижтимоий фан сифатида. Унинг жамият тараққиётида тутган ўрни, ривожланиш босқичлари ва илмий-назарий, амалий истиқболни белгилаш вазифалари.

Педагогика фанининг асосий категориялари ва тушунчалари тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), маълумот, билим, кўникма ва малакалар, ривожланиш.

Педагогика фанининг тузилиши. Педагогика фанининг тармоқлари. Педагогиканинг фалсафа, социология, психология, физиология, медицина, ахборот технологиялари ва бошқа инсоншунослик фанлари билан алоқаси. Педагогика фанлари тизими.

Асосий педагогик жараёнлар ва уларнинг бир бутунлиги, педагогик жараёнларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Илмий педагогик тадқиқотларнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Методика фанининг илмий-тадқиқот методлари ва уларнинг тавсифи. Назарий тадқиқот методларининг қиёсий-тарихий таҳлили, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, моделлаштириш ва бошқалар. Амалий тадқиқот методлари илмий кузатиш, суҳбат, интервью, сўровнома, тест, рейтинг, статистик таҳлил, ҳужжатлар таҳлили, илмий тажриба, илмий тажриба синови (табиий, лаборатория, амалий ва бошқалар). Тажриба - синов ишлари ва уларни кузатиш методикаси.

2. Педагогик фанларни ў.итиш методлари таснифи.

Таълим методларининг таснифи асосий дидактик ма.садлар бўйича тизимлаштирилади Муаллифлар тавсия этилаётган методларни қуйидаги чизма бўйича қўллаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар:

Материални оғзаки баён қилиш (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси). Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзуни қўйиш, режани эълон қилиш, ўқувчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

Суҳбат методи. Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид объектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат.

Ў.итувчининг раҳбарлиги: мавзуни қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади. Суҳбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда ўқувчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар.

3. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим тамойиллари. Таълим жараёни моҳияти. Таълим жараёнининг ягона тизим сифатидаги таснифи. Таълим - борликни билишнинг ўзига хос шакли сифатида. Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари тавсифи, уларнинг таълим жараёнидаги ўзаро алоқаси. Шарқ (ал-Фаробий, Беруний, Ибн Сино) ва ғарб мутафаккирларининг гнесеологик ғоялари (қарашлари) таълим жараёнининг асоси сифатида. Таълим жараёнида ўзаро алоқа ва болаларнинг ривожланиши. Ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларининг бирлиги. Ўқувчи-ёшларнинг ўқув фаолияти ва унинг тузилиши. Тарбияланувчиларнинг репродуктив ва ижодий билиш фаолияти. Билимларни ўзлаштириш, малака ва кўникмалар жараёни ҳамда шахснинг ривожланиши. Таълим жараёнини ташкил қилишда тарбиячилар йўл қўядиган хатолар ва уларнинг олдини олиш. Таълим қонуниятлари ва тамойиллари. Уларнинг психологик ва физиологик асослови. Шарқ мутафаккирлари таълим тамойиллари ҳақида.

4. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари. Таълимни ташкил этишнинг асосий шакллари. Таълим турлари: иллюстратив (анъанавий); проблемали (муаммоли); программалаштирилган таълим.

Таълимни ташкил этиш ҳақида тушунча, унинг хилма-хил турлари. Таълим мақсади ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув ишларининг турли шаклларида фойдаланиш. Таълимни ташкил этишнинг анъанавий шакли. Дарс типлари ва тузилиши. ҳозирги замонда дарс ва дарсларни модернизациялаш йўллари. Дарсда ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилишнинг ялпи, гуруҳли ва якка тартибдаги шакллари уйғунлаштириш. Таълимни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари; ўқув диалоги, мунозара, дидактик (ишбоп, ролли) ўйинлар, тренинг, пресс-конференция, ўткир зеҳнлилар клуби, мусобақа дарслари, аукцион, “мўъжизалар майдони”, “терговни билимдонлар олиб боради”, байт-барак ва бошқалар.

Маъруза ва семинар машғулотлари, консультациялар, экскурсиялар, практикумлар, конференциялар.

Ўқувчиларнинг уй вазифалари, уни ташкил этиш мазмуни ва методлари. Таълим шакллари ривожлантириш истиқболи.

Ўқув ишларини ташкил этишнинг дарсдан ташқари шакллари: фан тўғараклари, илмий жамиятлар, олимпиадалар ва бошқалар.

Ўқитувчи фаолиятида, ўқув ишлари турли шаклларида ўзаро алоқадорлиги.

5.Таълим методлари.

Таълим методлари таълим ма.садини ёритишга хизмат .илади, у ёрдамида таълим мазмунини ўзлаштириш йўллари ифода этилади, ў.итувчи ва ў.увчиларнинг ўзаро .аракати, хусусияти акс эттирилади.

Метод, бир томондан, таълим мақсадига эришиш воситаси сифатида намоён бўлса, бошқа томондан, бошқарилувчан ўқиш фаолиятини амалга ошириш шарти ҳисобланади. Таълим методлари доимо у ёки бу ўқиш воситалари ёрдамида жорий этилади, шу боис уларнинг ўзаро шартланганлигини таъкидлаш жоиз. Чизмадан англаниб турибдики, таълим методи тузилмасида қуйидагилар ажралиб туради: мақсадли таркиб; фаолиятли таркиб; таълим воситалари.

Табиийки, умумий ҳолда эришилган натижа ҳар доим ҳам ўқитувчининг дарс бошида белгилаган мақсадига мос келавермайди. Таълим мақсади ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти асосида, шунингдек, таълим воситалари ёрдамида натижаланади, ушбу жараёнда аниқ мақсадга йўналтирилган механизм ишга тушади. Таълим тизимлари мақсадга эришиш жараёнида бош халқа айнан қандай ва қайси механизм асосида ҳамда мавжуд таркибий унсурларни қандай ишга солиш мумкинлигини ифодалашга хизмат қилади. Бу функциялар таълим методини қўллаш жараёнида бир-биридан ажратилган ҳолда ёки кетма-кет

жорий этилмади, аксинча бир-бирига ўзаро сингиб кетади. Мисол учун, ташҳисли функция ўқитувчининг бир қатор методлардан яхлит фойдаланиши эвазига бажарилади.

«Таълим методи» атамаси билан бирга кўп ҳолларда «методик усул» (синонимлари – педагогик усул, дидактик усул) тушунчаси ҳам қўлланилади. У таълим методининг таркибий қисми, унинг муҳим унсури, методни жорий қилишдаги алоҳида қадам сифатида таърифланади. ҳар бир таълим методи муайян таълим усуллари чўғиштириш орқали жорий этилади. Методик усуллари хилма-хиллиги уларни таснифлашга имкон бермайди, бироқ ўқитувчи фаолиятида тез-тез қўлланиладиган усуллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ҳар бир метод маълум таълимий вазифани муваффақиятли ҳал этиш, қолганлари эса бирмунча самарасиз бўлиши мумкин. Универсал таълим методлари мавжуд эмас, шу боис дарсда турли таълим методларидан ёки уларнинг мажмуасидан фойдаланиш мумкин.

6.Фан методлари – маълум фан тармоғига кирувчи ёки фанлар туташган жойда вужудга келган муайян фан соҳасида қўлланиладиган усуллар тизими. Ҳар бир фундаментал фан, моҳият-эътибори билан, ўз предметига ва ўзига хос тадқиқот усулларига эга бўлган соҳалар мажмуидир. Фанда, кўп ҳолларда танланган метод тадқиқотнинг тақдирини ҳал қилади. Айнан бир далилий материални турли методлар асосида ўрганиш зиддиятли ҳулосаларга олиб келиши мумкин. Илмий билишдаги тўғри методни характерлар экан, Ф.Бекон уни йўловчининг йўлини ёритувчи чироғ билан қиёслади. Нотўғри йўлдан бора туриб, у ёки бу масалани ҳал қилишда муваффақиятга эришишга умид қилиш мумкин эмас. Зеро нафақат натижа, балки унга элтувчи йўл ҳам тўғри бўлмоғи лозим.

7.Хусусий илмий методлар – материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-таомиллари мажмуи. Механика, физика, кимё, биология ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг методлари шулар жумласидандир. Хусусий фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари моддий ифодасини топган билиш воситалари: микрофизикада зарраларни тезлатгичлар, тиббиётда аъзолар фаолиятини қайд этувчи турли ўлчагичлар ва шу қабилар ҳозирги замон методологик тадқиқотининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

8.Умумилмий тадқиқот методлари фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик .оидалари ўртасида ўзига хос «орали. методология» бўлиб хизмат қилади. Умумилмий тушунчалар қаторига кўпинча «ахборот», «модел», «тузилма», «функция», «тизим», «элемент», «оқилоналик»,

«эҳтимоллик» сингари тушунчалар киритилади. Биринчидан, бир қанча хусусий фанлар ҳамда фалсафий категорияларнинг алоҳида хосса, белги ва тушунчалари умумилмий тушунчаларнинг мазмунига «сингдириб» юборилганлиги, иккинчидан, (фалсафий категориялардан фарқли ўларо.) математик назария ва символик мантиқ воситалари билан уларни формаллаштириш, уларга аниқлик киритиш мумкинлиги умумилмий тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

9.Ижтимоий-гуманитар фанлар методлари. Ижтимоий-гуманитар фанларда кузатиш натижалари кўп жиҳатдан кузатувчининг шахсига, унинг ҳаётий қарашларига ва бошқа субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Мазкур фанларда оддий (фактлар ва ҳодисалар четдан туриб қайд этилади) кузатиш ва иштирокчиликка асосланган ичдан туриб(бунда тадқиқотчи маълум ижтимоий муҳитга қўшилади, унга мослашади ва ҳодисаларни «ичдан» таҳлил қилади) кузатиш фарқланади. Психологияда кузатишнинг ўз-ўзини кузатиш (интроспексия) ва эмпатия (бошқа одамларнинг руҳий кечинмаларига кириб бориш, уларнинг ички дунёси–сезгилари, фикрлари, хоҳиш-истакларини тушунишга интилиш ва ҳ.к.) фарқланади.

10.Дарслик билан ишлаш. Билимларни ўзлаштириш манбаи бўлиб босма матн хизмаи қилади. Ўқитувчининг раҳбарлиги эса топшириқни ифодалаш, фаолият мақсадини белгилаш, ўқувчиларга дарслик билан ишлашнинг янги усулларини ўргатиш, ўзлаштирилган билимларнинг тушунилиш ва мустаҳкамлик даражасини текшириш каби кўринишларда акс этади. Ўқитувчиларнинг кузатуви (синфда ва синфдан ташқари (шу жумладан, ўқувчиларнинг ўқув предметлари бўйича ўзлаштириш ҳолати ва ҳодисаларни кузата бориб, турли фан ўқитувчиларининг кўрсатмалари бўйича уларни қисмларга тақсимлаб ҳар бир ўқувчининг ўзига хос, ўхшаш ва муҳим жиҳатларини аниқлашга йўналтирилади.

Билимларни ўзлаштириш манбаи бўлиб муайян предмет (ёки жараён), тажриба, модел, хариталар хизмат қилади. Ўқитувчининг раҳбарлиги кузатиш вазифасини белгилаш, уни маълум шахс зиммасига юклаш, объектни белгилаш, умумий раҳбарликни олиб бориш, қисмларга ажратиш, асосийларини аниқлаш ва умумлаштиришдан иборатдир.

11.Лаборатория ишлари. Мазкур жараёнда аниқ вазифа, яъни, маълум шароитда муайян ҳодисаларни кузатиш юкланади. Ўқувчилар ҳодисаларни кечиш жараёнини кузатадилар ва таҳлил қиладилар.

Билимлар манбаи кузатилаётган ҳодисалар ва уларнинг кечиш жараёнидир. Ўқитувчи вазифа моҳиятини ифодалайди, ўқувчиларни назарий билимлар билан

куроллантиради, умумий жараён ва босқичларни кузатиш йўллари ҳамда якуний хулоса чиқаришни ўргатади.

Машқлар билан ишлаш (аклий ва фаолиятли машқлар). Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнининг ўзига хослиги, назарий асослар ўзлаштирилгач, айрим материаллардаги ўхшаш ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши кузатилади.

Билимлар манбаи: ўзлаштирилган билимлар ва хусусий тажриба саналади. Ўқитувчи машқни бажариш учун жой ҳамда вақтни белгилайди, топшириқни ифодалайди, уни бажариш босқичларининг боришини назорат қилади, бошқаради, шунингдек, якуний натижаларни текширади.

12.Эвристик таълим методлари.

Эвристик таълим методини қўллашда ўқитувчи томонидан турли воситалар ёрдамида янги билимларни излаб топиш талаб этилади. Ўқитувчи билимларнинг бир қисмини ўқувчиларга маълум қилади, қолганини эса ўқувчилар топшириқларини ечиш жараёнида саволларга жавоблар топиш асосида ўзлаштиради, билимларни мустақил эгаллашади. Ўқитувчи томонидан қўйилган масалани бир неча қарашларга ажратилиши, уларни бажаришда ўқувчиларнинг кетма-кетликка риоя этишлари муҳим методик жиҳат саналади. Шу боис мазкур метод қисман изланувчан метод ҳам деб аталади.

13.Муаммоли таълим методлари.

Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият», «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадики, муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб, ўзида субъектнинг ани. ёки .исман тушуниб етилган муаммони ифодалайди, уни бартараф этиш янги билимлар, усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўллари излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса, шубҳасиз, муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди, яъни, муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб этилиши, ифодаланиши, мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади, бироқ, барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса, у

муаммоли масала ҳисобланади. ҳар қандай муаммоли топшири. маълум муаммони, демак, муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса, уни муаммоли масалага айлантиради, яъни, унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

14.Тадқиқотчилик ўқитиш методлари. Тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади, ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқэтиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси, тажрибасини эгаллайдилар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан куйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ (СОҲАЛАР БЎЙИЧА) МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН САВОЛЛАРИ.

1. Асосий дарс типлари. Ўқитувчининг дарсга тайёрланиш тизими.
2. Давлат таълим стандартлари. Таълим мазмунини қуриш ва танлаш меъёрлари.
3. Дарс ва унинг хусусиятлари.
4. Дарснинг психологик-педагогик таҳлили, ўқувчи шахси ва гуруҳ жамоаси.
5. Дастурий педагогик воситалар.
6. Ёш психологияси. Ўқувчиларга индивидуал ёндошиш психологияси.
7. Ижодий тажриба фаолияти. Таълимни инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштириш. Таълим мазмунининг миллийлик ва байналмилаллик жиҳатлари.
8. Илмий дунёқарашни шакллантириш, эстетик ва маънавий тарбия.
9. Лаборатория ва амалий, семинар машғулотларнинг мазмуни, тузилиши ва уларни ўтказиш методикаси.
10. Олий ва ўрта махсус таълим фан курсининг мантикий-дидактик таҳлили.
11. Олий ва ўрта махсус таълим муассалари математика курсининг мазмуни.
12. Олий ва ўрта махсус таълим фан курсининг ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.
13. Мактабда, академик лицей ва касб-унар коллежларида, олий таълим ва олий таълимдан ташқари, дарсдан ва синфдан ташқари фан таълимининг мақсадлари.
14. Мантикий ва образли тафаккурни ривожлантириш, фазовий тасаввурларни ривожлантириш.
15. Математик-статистик методлардан фойдаланиб олинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.
16. Методиканинг асосий принциплари.
17. Методиканинг хусусий принциплари.

18. Моддий - маънавий маданият элементлари ва предметлари таълим воситаси сифатида.
19. Муаллифлик мактаблари.
20. Мустақил таълим (экстернат); кундузги ва сиртқи, масофавий ва бошқалар.
21. Педагогик маҳоратнинг компонентлари.
22. Педагогик тажрибаларни ўтказиш.
23. Педагогик тажрибани ўтказишнинг асосий босқичлари: тасдиқловчи, шакллантирувчи, таълимий, умумлаштирувчи босқичлари ва бошқалар.
24. Педагогик технологияларнинг асосий турлари.
25. Репродуктив ва муаммоли-изланувчан ўқитиш методлари.
26. Ривожланган хорижий мамлакатларда фан ва касб танлашга йўллаш ишларининг мазмуни, унинг ташкилий-педагогик, методик ва илмий асосларини таҳлил ва тадқиқ қилиш, бу борадаги илғор ғоялар, фикрлар, усул ҳамда услублар.
27. Ривожлантирувчи, ўқувчи шахсига йўналтирилган модули, муаммоли, дидактик ўйинли, контекстли, ахборотли, табақалаштирилган, мультимедияли, ўз-ўзини ривожлантирувчи технологиялар.
28. Синф дарс системаси.
29. Табиат, жамият, инсон, технология ва фаолият усуллари ҳақидаги билимлар системаси.
30. Ташхисловчи, огоҳлантирувчи, жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари. Оғзаки, ёзма ва компьютерли назорат турлари.
31. Таълим ва шахс. Таълим ва жамият, таълим, фан ва маданият.
32. Таълим воситалари.
33. Таълим воситаларнинг кўпхиллиги ва уни тизимлашлаштириш.
34. Таълим жараёнида ўзаро муомала ва диалогни амалга ошириш муаммолари. Касбий педагогик фаолиятининг моҳияти.
35. Таълим жараёнини ташкил этиш моделлари.
36. Таълим жараёнининг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, қарама-қаршиликлари ва мантиқий тузилмаси.

37. Таълим ижтимоий маданият феномени сифатида.
38. Таълим қонуниятлари ва тамойиллари. Асосий дидактик назариялар: турли таълим системаларида шахсни ривожлантириш назариялари;
39. Таълим мазмуни ва унинг илмий асослари.
40. Таълим мазмунини меъёрловчи норматив ҳужжатлар. Таълим технологиялари ва ўқитиш методлари.
41. Таълим мазмунини дидактик воситалар орқали моделлаштириш.
42. Таълим мақсадлари ва таксономиялари, ривожлантирувчи таълим назарияси; ўқув фаолияти назарияси ва унинг субъекти; мазмунли умумлаштириш назарияси; ақлий ҳатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назарияси.
43. Таълим муассасаларининг типлари.
44. Таълим назарияси ва методлари. Метод ҳақида тушунча ва унинг таснифи.
45. Таълим олиш жараёнининг психологик моҳияти ва тузилиши. Ўзлаштириш жараёнининг психологияси.
46. Таълим технологиялари олдиндан қўйилган ташхисланувчи аниқ мақсадлар ва эталон асосида таълим жараёни олдиндан лойиҳалаштириш ва кутилаётган натижани кафолатловчи тартибланган, тизимлаштирилган ҳатти-ҳаракатлар, амаллар ва муаммолар мажмуаси сифатида.
47. Таълим умуминсоний ижтимоий тажрибани эгаллаш воситаси. Билиш назарияси таълим жараёнининг методологик асоси эканлиги.
48. Таълимда аудиовизуал ва компьютер воситалари.
49. Таълимда инновацион жараёнлар.
50. Таълимда “субъект-субъект” муносабатларини амалга ошириш муаммолари. Таълим ва ўқувчилар ўқув имкониятларининг ўзаро мутаносиблиги.
51. Таълимни ва мустақил таълимни амалга ошириш муаммолари.
52. Таълимнинг икки томонлама ва шахсга йўналтирилган ҳаракатлари. Ўқитиш ва ўқиш жараёнининг ягоналиги.
53. Таълимнинг маорифий-тарбиявий ва ривожлантирувчи функциялари. Таълим жараёнининг тузилиши мақсадлари ва натижалари.

54. Таълимнинг оғзаки методлари, ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари.
55. Таълимнинг психологик қонуниятлари ва амалга ошириш механизмлари.
56. Таълимнинг турли: фронтал, жамоавий, гуруҳли, индивидуал шаклларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро алоқадорлиги.
57. Телекоммуникацион ўқув воситалари.
58. Тил тажрибасини ҳисобга олиш ва оғзаки нутқнинг илгарилаши принциплари.
59. Тўғарак, факультатив машғулотлари ва олимпиадалар ташкил қилиш.
60. Тушунтириш–иллюстрациялаш, муаммоли, дастурлаштирилган ва компьютерли таълимни амалга ошириш назариялари.
61. Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон қароридан педагогика соҳасини ривожлантиришга оид вазифаларнинг таснифи.
62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга оид белгиланган вазифаларнинг моҳияти.
63. Узлуксиз таълимнинг турли босқичлари учун ўқув-методик адабиётлар мажмуасини яратишнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш.
64. Ўқитиш методлари ва уларни гуруҳлаштиришнинг назарий ва методологик асослари.
65. Ўқитиш натижасини баҳолаш психологияси.
66. Ўқитишда ўқувчини рағбатлантириш методлари.
67. Ўқитишни ва унинг натижаларини назорат қилиш методлари.
68. Ўқитишни диалогли, гуруҳли ва оммавий (фронтал) ташкил этиш шакллари.
69. Ўқитишни ташкил этишнинг бошқа шакллари: практикумлар, семинарлар ва факультативлар.

70. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини, ўқитиш натижаларини баҳолашда холислик ва “формализм”га йўл қўймаслик шарт-шароитлари. Психологик-педагогик диагностиканинг асосий муаммолари.

71. Ўқитувчи раҳбар ва тарбиячи сифатида.

72. Ўқитувчи таълим жараёнининг субъекти эканлиги.

73. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолаш: назорат ишлари, мустақил ишлар, уй вазифалари, тест синовлари.

74. Ўқувчилар билиш фаолиятини ташкил этиш йўллари.

75. Ўқувчилар ў.ув фаолиятининг мотивацияси.

76. Ўқувчиларнинг уй вазифаси бажаришларини ташкил этиш муаммолари.

77. Ўлчаш. Мантикий методлар: таққослаш ва аналогия, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез.

78. Умуммаданиятни ва тажрибани эгаллаш ва сақлашни таъминловчи интеллектуал ва амалий кўникма ва малакалар тизими.

79. Фан бўйича давлат таълим стандарти талаблари асосида таълим муассасалари учун ўқув-методик мажмуаларни такомиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари.

80. Фан бўйича лаборатория, амалий ва семинар машғулотларнинг мақсади, вазифалари, таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни.

81. Фан бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳамда амалий- методик билимларини узлуксиз такомиллаштириб бориш муаммолари.

82. Фан таълимида дидактик тамойилларни амалга ошириш.

83. Фан ўқитиш методикаси бўйича илмий изланишларни ўтказишнинг ўрни, аҳамияти ва асосий вазифалари.

84. Фан хонаси. Фан бўйича синфдан ташқари ишлар ва уларнинг асосий функциялари. Фаннинг асосий кўринишлари ва таснифи.

85. Фанда узвийлик ва узлуксизлик масалалари.

86. Фанни ўқитиш методикасининг предмети.

87. Фанни ўқитиш методикасининг тадқиқот усуллари ва уларнинг назарий ҳамда методологик асослари.

88. Фанни ўқитиш методикасининг таркибий .исмлари.
89. Фанни ўқитишда асосий воситалар: дарсликлар, дидактик ва методик қўлланмалар, жадваллар, моделлар, схемалар, компьютер ва бошқалар.
90. Фанни ўқитишда ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан узвий фойдаланиш.
91. Фанни ўқитишда баркамол шахсни вояга етказиш муаммолари.
92. Фанни ўқитишда ўқув мунозаралари ва Кейс технологиясидан фойдаланиш орқали уларда мантикий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.
93. Фанни ўқитишда ўқувчи шахсига йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим технологияларидан фойдаланиш орқали юксак маънавиятли баркамол шахсни вояга етказиш йўллари.
94. Фанни ўқитишда ўқувчиларда мустақил, ижодий, таҳлилий ва танқидий фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш.
95. Фанни ўқитишнинг махсус принциплари. Дидактик принципларнинг фанни ўқитиш методикасига татбиқ этиш хусусиятлари.
96. Фанни ўқитишнинг методлари ва шакллари. Уларнинг таснифи. Умумдидактик ва хусусий предметли ўқитиш методларининг ўзаро алоқадорлиги.
97. Фанни ўқитишда психологик принципларининг моҳияти.
98. Фанни ўқитишнинг ташкилий шакллари.
99. Фанни ўқитишнинг эмпирик методлари: кузатиш, тажриба, ўлчаш.
100. Олий таълимнинг магистратура босқичида магистрнинг ўзлаштириши зарур бўлган мажбурий таълим.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2019. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги .онуни. \Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: 1997. –214 б.
3. Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. –Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2010. – 196 б.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –176 б.

5. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб хал.имиз билан бирга .урамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –488 б.
6. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –56 б.
7. Абдуллаев Ю. Жа.он олий мактаби: қиёсий таҳлил. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. –288 б. 8. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи 1993.
9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашриёти. 1993.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Халқ мероси, 1993. 11. Абу Райхон Беруний. қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-том. -Т.: Фан,1998. 12. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-улуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13- том. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. 13. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. /Одоб дурдоналари/. -Т.: Ўзбекистон, 1990. 14. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-сахих. -Т.: Ўзбекистон, 1991.
15. К.Хошимов, С.Нишонова. Metodika fani. II- исм. Дарслик. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т., 2005.
16. Кайковус. Қобуснома. Т.: “Мерос”, 1992.
17. Қуръони Карим. -Т.: Чўлпон, 1993.
18. Мавлонова Р. ва бошқ.. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
20. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Metodika fani. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
21. Педагогика (проф. А.К.Минаваровнинг умумий таҳрири остида). -Т.: Ўқитувчи, 1996.
22. Педагогика назарияси ва тарихи. 1.исм. Педагогика назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик./ М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. “Иқтисод-молия”, 2007.-380 б.
23. Metodika fanidan хрестоматия. (Тузувчи: О.Ҳасанбоева)Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
24. Подласый И.П. Педагогика 1-2 т. -М.: Владос, 1999.
25. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: Молия, 2003.

26. Ўзбек педагогикаси анталогияси 1-2 т. (тузувчилар К.Ҳошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1995-2000).

27. Фарберман Б. Ил.ор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.

28. Хасанбоев Ж.Й. ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма.-Т., “Фан”.2006.

29. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов ҚҚ. Metodika fani. –Т.: Гофур Гулом. 2005.

30. Ж.Хасанбоев, Х.Туракулов, М.Хайдаров, О.Хасанбоева, Н.Усмонов. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: “Fan va texnologiya”, 2009, 672 бет.

31. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (сўзбоши муаллифи Б.Туғлиев) –Т.: Юлдузча, 1990.

32. Самарский А.А., Михайлов А.П. Математическое моделирование: Идеи. Методы. Примеры. .М.: Наука. Физматлит. 1997. .320 с.

33. Ивченко Г.И., Медведев Ю.И. Введение в математическую статистику: Учебник. М.: Издательство ЛКИ, 2010. —600 с.

34. Абдушукуров А.А. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. Университет, 2010 й., 169 б.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

1. www.tdpu.uz

2. www.pedagog.uz

3. www.edu.uz

4. www.ziyo.edu.uz

5. www.gov.uz

6. www.ziynet.uz

7. www.istedod.uz

8. www.cer.uz

Баҳолаш мезони.

Энг юқори балл – 100 балл.

Саралаш балл – 56 балл

56 баллдан – 70 баллгача (70 – 55%) – қониқарли

71 баллдан – 85 баллгача (71 – 85,9%) – яхши

86 баллдан – 100 баллгача (86 – 100%) – аъло